

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMİYASI



Международный государственный экологический  
институт имени А.Д. Сахарова Белорусского  
государственного университета




**TIBBIY TA'LIMDA ETIKA VA  
INTEGRATSIYA MASALALARI**

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari  
(16 fevral, 2021 yil)

**IKKINCHI QISM**

Toshkent - 2021



## Tibbiy ta'linda etika va integratsiya masalalari

<i>Файзиева М.Ф., Расулова Н.Ф., Исхандарова В.В.</i>	Классические биоэтические учения	82
<i>Usanov Sh.M., Eshpo'latova Yu.Sh.</i>	Yoshlar axloqiy madaniyatining shakllanishida abdurauf fitrat milliy me'resiining o'rni	88
<i>Алимова С.Г.</i>	Зелёная экономика с точки зрения биоэтики	90
<i>Натроев С.С.</i>	Globallashuv sharoitida bioetika dixotomiyasi	93
<i>Блинова С.А., Шодмонова М.А., Корнишов Т.Б.</i>	Значение медицины мусульманского средневековья для современной медицины	95
<i>Izakov B.B</i>	The ecologic conception of zoroastrism connected with environment	98
<i>Худаёрова О.К., Кулдошева Г.Д.</i>	Тиббий маданиятнинг ўзига хос ривожланиши хусусиялари	102
<i>Абдурахимова Ш.А.</i>	Исторический аспект взаимосвязи охраны здоровья населения и биоэтики	105
<i>Ахмеджанова Д.М.</i>	Жадидларнинг биоэтиқ қарашларида инсониятни соғломлаштириш масалалари	108
<i>Худоёрова О., Хакимов Д.</i>	Тиббиёт ходимларининг фаоллик ва филойлик туйгусини кучайтириш йўллари	111

### ТИВВИУ ТА'LIMDA ИТИМОГУ-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ

### МЕСТО СОЦИАЛЬНО-ГУМНИТАРНЫХ НАУК В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ

### PLACE OF SOCIAL AND HUMAN SCIENCES IN HEALTH EDUCATION

<i>Нарбузов С.Д., Азизова Ф.Л., Умарова Ф. С.</i>	Миллый гоя ва мазънавий тараққиёт	115
<i>Юнусова Ш.</i>	Илм ва фан тараққиёти тасодиф эмас, балки заруритдир. 2021 йил - ёшларни кўллаб кувватлаш ва аҳоли саломатлиги йили	118
<i>Амирматов Х.</i>	Нанотехнологияларни кўллашдаги салбий оқибатлар ҳамда уларни бартараф этишининг йўллари ва усуллари	120
<i>Sabirova N.R.</i>	Abu Ali Ibn Sinoning falsafiy-ma'naviy merosida axloqiy qadriyatlar tahlili	124
<i>Ахмедов Э.К.</i>	Ахлоқий маданиятни шакллантиришда медиамиссионерликнинг салбий тъъсири	127
<i>Мустаев А.Ю.</i>	Абу Али Ибн Синонинг табобатта қўшган ҳиссаси	131
<i>Кўйлиев Г. Рахмонбердиева Н.</i>	Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда биологик ва интимоий-мазънавий омилларнинг ўрни	134
<i>Утаев Г.Г., Абилоев У.М.</i>	Ёшлар тарбияси – миллат келажаги пойdevori	137
<i>Аскарова Н.А., Уктузова Д.З.</i>	Психологические аспекты лечения онкологических больных	140
<i>Аскарова Н.А., Ибрагимова Н.Н.</i>	Эндокринологик касалликларда бемор психологияси	143
<i>Исканджанова Ф.К.</i>	Педагогические способности как основа педагогического потенциала личности преподавателя	146
<i>Аскарова Н.А.</i>	Психологические особенности синдром дефицита внимания с гиперактивностью во взрослой жизни	150
<i>Ruziev B.U.</i>	Biyuk Amir Temurning axloqiy qarashlari	153
<i>Askarova N.A., Rahimjonova M.K.</i>	Genmafroditizmda shaxs psixologiyasi	156

ТИВВИУ ТА'LIMDA İJTIMOIY-GUMANITAR FANLARNING O'RNI

МЕСТО СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В МЕДИЦИНСКОМ  
ОБРАЗОВАНИИ

PLACE OF SOCIAL AND HUMAN SCIENCES IN HEALTH EDUCATION

## МИЛЛИЙ ГОЯ ВА МАЬНАВИЙ ТАРАККИЁТ

*Норқулов С.Д., Азизова Ф.Л., Умарова Ф.С.*

*Тошкент тиббийт академияси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада миллий гоя, маънавий тараккиёт ва уларнинг ижтимоний онг билан борлик масалалари тадқиқ қилинади. Миллий гоя ижтимоний онгнинг ўзаги сифатида унга стратегик мақсад берини, маънавий тараккиёт эса уларнинг натижаси сифатида келини очиб берилади.

**Калит сўзлар:** миллий гоя, мағкура, маънавий тараккиёт, ижтимоний онг, ижтимоний тараккиёт, фуқаролик жамияти, модернизация, трансформация.

Миллий гоя, маънавий хаёт ва ижтимоний онгни гносеологик нуктан назардан мустакил обьектлар сифатида ўрганилиши мумкин бўлса-да, улар ўртасида ижтимоний хаётни, борликни умумлаштириб туралдиган, обьектив ва субъектив воқеяларни уйғунлаштирадиган асос мавжуд. Бу асос ижтимоний тараккиётнинг детерминистик қонунларицир. Яъни ижтимоний тараккиётнинг барҳарорлик ва ўзгарувчанлик, оқибат ва натижка, эволюция ва инволюция, инқилобий ва аксилиниқилобий, англанган ва тасодиф каби амбивалент воқеалар орқали детерминистик таъсир этиб, кишиларни маълум бир гојлар, маънавий қадриятлар ва қарашлар таъсирида яшашга мажбур килади. Айрим олган шахс уларни ўзгартиромайди, балки уларга таянган ҳолда қандайdir элементларни кўшиши ёки нимагадир зид фикр билдириши мумкин, холос.

Миллий гоя, маънавий хаёт ва ижтимоний онг динамик воқеялар сифатида модернизацияга мойил. Модернизация ва трансформация барча тирик, жонли ва онгли субъектларга хос, шунинг учун улар субъектларнинг ҳаёти, интилишлари, тасаввурларида акс этади, намоён бўлади.

Модернизацияни технологик янгиликлар детерминацияси таъсирида тизимли функционал янгилишлар деб тушуниш мавжуд [1.-С.553.]. Трансформация эса мазкур янгилини жараёнида содир бўлган тизимли ўзгаришларни билдиради. Тўтри, модернизациянинг ўзи ўзгариш, аммо у

ўзгаришдан кейинги вокеликлар. Модернизация ташки детерминантлар таъсирида тизимли ўзгаришни ифода этади. Трансформация эса бутун тизимга хос ўзгариш бўлмаслиги мумкин.

Трансформация модернизация каби, албатта, янгиланиш бўлиши шарт эмас, у ижтимоий онгда такрорланиш, иккига ажralиш, хатто историцизм (орқага қайтиш) тарзида ҳам содир бўлиши мумкин. Ижтимоий онгта, умуман барча субъектив ҳодисаларга тўлқинсимон ўзгаришлар хос, трансформация ана шу хусусиятни ифода этади.

Миллий гоя ижтимоий тараққиёт йўлларини назарий – концептуал асослаб, кўрсатиб беради, ўзицаги тушунарли, аник мақсадни ифода этувчи даъватлари билан янги маънавий борликнни, онгни яратади. Миллий гояга таянмаган маънавий борлик қандай мақсадга интилишини аник билмайди, у эклектик ҳодисалар (хатто улар ижобий хусусиятга эга бўлганида ҳам)нинг шунчаки, аник мақсадларга эга бўлмаган йигинидисига айланади. Миллий гоя ижтимоий фаолиятга, маънавий ҳаётга мақсад беради, уларни маълум бир назарий – концептуал мақсад атрофида бирлаштиради. Шунинг учун “олижаноб мақсад муддаоларимизга етиш эски, мафкуравий асоратлардан батамом холос бўлиш, гоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл кўймаслик, бегона ва ёт гояларнинг хуружидан химояланиш, бундай тажовузларга карши турға оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати ҳалкимиз ва жамнитимиз манбаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этади.

Ўзининг ҳаётини, олдига кўйган мақсадларини аник тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайгурадиган миллат ёч бир даврда миллий гоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши мухаррар.” [2. – 5-б б.]

Шунингдек, Узбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 19 январь куни юртимизда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан тақомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йигилишида “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Узбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустахкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият.” [3.] – деб таъкидлади.

Миллий гоя миллат шакллангач кишилар онгидан жой олади. Унгача миллий гоя концепция тарзида шаклланмаган айрим фикрлар, карашлар тарзида келиши мумкин. Аммо маънавий ҳаёт этносининг, ҳалкнинг борлигини, руҳий, ахлоқий, трансцендентал оламиининг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Маънавий ҳаёт миллий гоя ва ижтимоий онг таъсирида ўзгариш, трансформацияга учраш хусусиятига эга. Бу ўз-ўзидан миллий гоя ва ижтимоий онгни етакчи ўринга чиқариб кўяди. Аслида миллий гоя,

маънавий хаёт ва ижтимоий онгни диалектик бөғлиқликда қараш зарур, тунки ҳар қандай субъективлик мутлак айрича, “ўзи-ўзи учун” мавжуд эмас, “ўзи-ўзи учун” шаклланмайди ҳам.

Миллий ғоя у ёки бу кўринишда қадимги аждодларимиз ўйида, калбида айрим фикрлар, қарашлар утопия тарзида мавжуд эди, лекин мустақиллик даврида у аниқ концепция шаклини олди. Унга маънавий хаётдаги миллий ва умуминсоний қадриятлар асос бўлади, ҳар бир инсоннинг эркин ва фаровон яшашга ҳақ-хуқуқли экани ижтимоий онгни эски, шўролар давридаги тасаввурлардан холос қилди. Ижтимоий онг эса объектив борликка мутлак қарамликдан, айниқса идеологик таъсир ва манипуляциядан озод бўлди.

Ғоя ва маънавият факат рационаллик маҳсули ёки ифодаси эмас, уларда иррационаллик, мистицизм, оккултизм, эзотеризм ва трансцендентга берилши ҳам мавжуддир. “ХХ аср охирида фанда улкан ўзгаришлар юз берди ва парадоксал бир вазият юзага келди. Бир томондан, кўпгина тайрийлмий назариялар табиатшуносликнинг асосий ғоялари ва тамойилларини ўз доирасига киритди ва фанга хос бўлган аниқлик, тизимлilik ва изчилликни намойиш эта бошлади. Бошка томондан, фанда қабул қилинган қонсалар ва андозаларнинг бузилиши илмий билим динамикасининг мукаррар шарти ва кўрсатычи сифатида баҳолана бошланди. Илмий оқилюналиктининг катъий мөъёrlари ва қонсаларидан четга чиқиши жонз ва ўринли бир ҳолга айланба борди.” [4. – 182 б.] Демак, ғоя ва маънавият ҳакида гап кетганица “девиант билим”ларнинг рационал, илмий фикрлаш доирасига кириб келганини ҳам хисобга олиш керак. Бугун қайта жонлангаётган диний қарашлар, спиритизм, оккултизм, астрология, магия ва эзотерик таълимотлар ижтимоий онгдаги трансформация жараёнларидан, парадигмал ўзгаришлардан дарак беради.

Миллий ғоя, маънавий хаёт ва ижтимоий онгни уйғунлаштирувчи объект, асос инсон қалби, рухидир. Қалб, рух мураккаб ҳодисалар сифатига киради. Бу борада О.Файзуллаев ўтиборли рисола чоп эттирган. У ёзади: “Илгари ҳам рух танадан, бинобарин, моддадан ажратиб олинар эди ҳозир ҳам. Фарқ шундаки, ҳозир рух тушанчаси ўрнида онг тушунчаси ишлатилади. Лекин, онгдан кенгрок. Ҳозир рухий олам уч хил қисмдан иборат: 1) ўша жоннинг юқори ҳолати, 2) онг олами ва 3) ўтганларнинг рухини шод этиш.” [5. – 51 б.] Олимнинг қўйидаги фикрлари мавзумизга бевосита тааллуклийдир. “Фан, унинг қисмлари бўлган дунёвий фан ва илохий фан, уларнинг ҳаммаси бу дунёю у дунёда бўладиган жараёнларни ўрганади ва бу соҳадаги ютуқлар онг бойлигини ризохлантиради. Ақл, зехн, қобилнит, салоҳият, яратиш, кашфиёт мана шу онгта тегишлийдир. Санъат соҳасида яратилган асарлар ҳам шундай. Ишқ-муҳаббат, меҳр, содиклик нафснинг, жоннинг иши эмас, балки юрак орқали онгнинг иши. Онгнинг ижобий жиҳатларидан ташқари салбий томонлари ҳам бор: жаҳд, разаб, жанжал, алдаш, қайсарлик, ҳаромлик, хиёнат, нолиш, қонунга итоат этмаслик – буларнинг ҳаммаси нафс орқали онгнинг иши.” [6. – 51-52 б.] Демак, онгда қалб, рух зиддиятли ҳодисалар орқали ўзини намоён этади, улардан қайси

фазилатлар етакчиллик килишини якка калбнинг, рухнинг ўзи хал килмайди. Нафснинг ўзи хам амбивалент воқеалар хосиласи сифатида онгта йўналиш бериши мумкин. Натижада нафс хам, онг хам бир вактнинг ўзида бир-бирининг хосиласи ва бир-бирининг асоси сифатида келади. Миллий гоя ва маънавий хаёт онгнинг, қалбнинг “ўзи билан ўзи” колишини эмас, балки жамният хаётига бевосита, фаол аралашишини истайди. Экзотрансформацион ўзгаришлар инсон қалбини, рухини, бутун маънавий хаётини қандай поғонада эканини ифодалайди ва гоявий-тарбиявий жараённи қайси томонга йўналтириш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса килиб айтганда, ижтимоий онгдаги трансформация жараёнлари миллий гоя ва маънавий хаёт, тараккиёт, улардаги парадигмал ўзгаришлар, модернизация билан боғлиқ тарзда рўй берали. Агар миллий гоя ижтимоий онг стратегик таъсир этса, унга максад ва вазифалар берса, маънавий хаёт ижтимоий макон функциясини бажаради. Маънавий хаётда рўй бермаган ва унда ўз ифодасини топмаган ижтимоий онг спекулятив муложазаларга, гоҳо эса гайрихаётй утопияга айланади. Ижтимоий онг субстанционал негизига мувоффик маънавий хаёт, кишилараро муносабатлар ва фаолият билан боғликлиги учун экстравертив хусусиятта зга. Шунинг учун трансформация жараёнларини миллий гоя, маънавий хаёт, ижтимоий фаолият, ташки алоқалар ва баркамол авлодни шакллантириш поғоналарида ўрганиш ўриниладир.

**Абдиётлар:**

1. Карап: Российская социологическая энциклопедия. Под ред. Г.В.Осипова. – Москва: Изд.гр. НОРМА-ИНФРА-М, 1998. – С.553.
2. Миллий истиқбол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 5-6 б.
3. <https://president.uz/uz/lists/view/4089>
4. Шермуҳамедова Н.А. Фан фалсафаси.-Тошкент: Университет, 2013. -182 б.
5. Файзуллаев О. Нафс, жон ва рух. – Тошкент: Akademiya, 2005. – 51 б.
6. Уша асар. – 51-52 б.

**ИЛМ ВА ФАН ТАРАККИЁТИ ТАСОДИФ ЭМАС, БАЛКИ  
ЗАРУРИЯТ ДИР. 2021 ЙИЛ - ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ КУВВАТЛАШ ВА  
АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙИЛИ**

*Юнусова Ш.*

*Тошкент тиббиёт академияси академик лицеи*

**Аннотация.** Макола Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансга пойлевор яратиш ҳакида бўлиб, унда янги тараккиётнинг таркибий қисмлари – ижтисодиёт, таълим-тарбия, илм-фан, тиббиёт, маданиятни бугунги тараққиётимиздаги алохидга ёзилган.